



(Upgrade to Pro Version to Remove this Watermark)

230200, Beruniy tumani, Beruniy kuchasi, r/1

230200, Beruniy, Beruniy street, wn/h

Тел (55) 102-40 63

e-mail: i.beruniy@sud.uz

PDF

РИМ

(аризани \_\_\_\_\_ дан қолдириш ҳақида)

Беруний тумани 2023 йил 27 июнь 4-2302-2301/2098-сонли иш

Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси Р.Курбанбаев раислигида, судья ёрдамчиси Р.Юсупованинг котиблигида, аризачи \_\_\_\_\_ нинг жавобгар «\_\_\_\_\_» фермер хўжалигини соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишни суднинг ўз биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Аризачи \_\_\_\_\_ (бундан буён матнда – аризачи) иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар \_\_\_\_\_ фермер хўжалиги (бундан буён матнда – жавобгар)ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса ҳам, тарафлар суд мажлисида ўз вакилларининг иштирокларини таъминламади ёки ишни ўзларининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмади.

**Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.**

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, аризачининг аризаси суднинг 2023 йил 13 июндаги ажрими билан иш юритишга қабул қилинган ва ишни кўриш 2023 йил 27 июнь кунига тайинланган.

Суднинг ажрими тарафларга топширилганлиги тўғрисидаги маълумотномалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда – ИПК) 170-моддасининг иккинчи қисмига биноан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Лекин, бугунги суд мажлисига аризачи вакили келмади ва иш ҳужжатларида аризачининг ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси мавжуд эмас.



ИПК 107-моддасининг 6-бандига асосан даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишнинг ўзининг иштироки сиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Шу боис, суд аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

ИПК 109-моддасига кўра даъво аризасини кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар судга даъво аризаси бўлиб умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Лекин, аризачи ва жавобгар «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ни Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига биноан давлат божи тўловидан озод этилган.

Шу сабабли, суд тарафлардан давлат божи ундирмасликни ва иш учун олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажатини аризачининг зиммасида қолдиришни лозим топди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 6-банди ва 195-моддасини қўллаб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ариза кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажримдан норози тараф шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига ўн кунлик муддат ичида апелляция шикояти бериши (протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**Р.Курбанбаев**

